

«Grand ta'lim»га Малайзия университети ректори ташриф буюрди



16:00 / 14.05.2019 2688

Яқинда «Grand ta'lim» муассасасининг Чилонзор туманидаги асосий биносида давра суҳбати ўтказилди. Ушбу суҳбатга Малайзия Ислам билимлари университети (University Sains Islam Malayziya) ректори, Дато профессор Мусо Аҳмад жаноблари раҳбарлигидаги жамоа ташриф буюрди.

Азиз меҳмонларни «Grand ta'lim» бош директори Музаффар Саттиев бошчилигидаги илмий педагогик кенгаш аъзолари, устоз ва ходимлари ҳурмат-эҳтиром билан кутиб олдилар. Учрашувда «Grand ta'lim» бош директори профессор Мусо Аҳмадни ва университет жамоасини, шу билан бирга Малайзия халқини моҳи Рамазон ойи билан муборакбод этиб, ташриф буюрганларга миннатдорчилик билдирди.

Давра суҳбатида икки давлатнинг таълим муассасаси ўртасида қатор келишувлар ва режалар белгилаб олинди.

Шундан сўнг малайзиялик меҳмонларга Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф номидаги янги мажмуа ва жоме масжиди, «Hilol-nashr» нашриёти ҳамда китоб дўкони таништирилди. Шунингдек, янги қурилган жоме масжид имом хатиби, «Hilol-nashr» нашриёти раҳбари Исмоил Муҳаммад Содиқ билан ҳам учрашув бўлиб ўтди.

Учрашув сўнгида меҳмонлар самимий таклиф ва эҳтиром учун ўз миннатдорчиликларини изҳор этишди.

Маълумот ўрнида, шу йилнинг 15-22 март кунлари «Grand ta'lim» нодавлат таълим муассасасининг устоз-мураббийлар жамоаси Малайзия Ислом билимлари университети (University Sains Islam Malayziya)га ташриф буюриб, ректор бошчилигидаги университет устозлари билан учрашув ва тақдимот ўтказиб келишган.


Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Islom.uz портали таҳририяти